

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ.

ЖДПИ “Педагогика таълими назарияси” кафедраси ўқитувчиси
Махаматова Феруза Сафаралиевна

Аннотация.

Мақолада таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг йўллари кенг ёритилган.

Калит сўзлар: таълим-тарбия жараёни, замонавий педагогик технология, инновация, инновацион таълим.

СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ.

Аннотация.

В статье говорится о путях широкой использовании новой педагогической технологии в процессе обучения и воспитания.

Ключевые слова: процесс обучения и воспитания, современная педагогическая технология, инновация, инновационная технология.

WAYS TO USE MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL PROCESS.

Annotation

In this article speak about modern technologue and use it in teaching.

Key words: education, modern technologie, innovation.

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири шахс манфаати ва таълим устиворлиги. Бу давлатимиз таълим соҳасидаги ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди. Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш бевосита замонавий педагогик технологияларни амалиётга самарали жорий этиш жаражаси билан боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Педагогик технологияни жорий қилишни инновацион жараён деб қараш мумкин. Бунда “инновация”ни бирор ўқувчилар жамоаси фаолиятини такомиллаштириш учун киритилаётган ва бу

инновация субъекти томонидан янгилик деб қабул қилинган ёндошув тушунилади. Технология тараққиётида инсон психологияси катта ўрин тутди.

Тарихан педагогик технология тактик (стратегик эмас) жиҳатдан фаолият кўрсатган ва ривожланган. Ҳозирги кунда педагогик технологияларни амалда қўллаш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш дарс жараёнига кириб бормоқда. Бу технология ўқитиш жараёнинг ўзаро боғлиқ қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтиришдир. Педагогик технология ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимга якуний натижани кафолатловчи мажмуалар йиғиндиси ҳисобланади. Педагогик технология ўзининг эгилувчанлиги, натижаларнинг турғунлиги, самарадорлиги, олдиндан лойиҳаланиш зарурати билан методикадан фарқ қилади. Илғор педагогик технологиялар ҳозирги даврдаги таълим жараёни сифатини юқорига олиб чиқувчи методлар тизимига айланди. Шунинг учун технологик ёндашув асосида ўқувчиларга билим бериш, уларнинг малака ва кўникмаларини шакллантириш, интерфаол таълим олишга ёрдам берувчи инновацион усуллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Педагогик технологиялар дарсга ўқувчилар фаолиятининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга эришишга қаратилади. Ўқитувчининг замонавий усулларни қўллаши таълимда юқори самарадорликка олиб келади. Педагогик технологиянинг асосий таркибий қисми ўқитувчининг мимик ва пантомимик ҳаракатлардан самарали фойдаланишидир. Дарс жараёнида аниқ имо-ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассум педагогик таъсир кўрсатишда сўзли тушунтириш ёки эътироз билдиришга қараганда анча самарали муомала воситаси ҳисобланади. Маълумки, инновацион таълимнинг бир кўриниши ҳамкорлик бўлиб фанлар ўртасидаги ҳамкорликдир. Шу билан билан бирга ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорлик кўлами қанча кенг бўлса, билимларни ўзлаштириш даражаси шунча пухта бўлади. Янги

педагогик технологиянинг асосий моҳияти, унинг эҳтиёжларини ривожлантиришдан ҳамда уларнинг ҳаракатлари фаол бўлиб, бир-бирига таъсир қилишдан иборатдир.

Дарсда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг афзал томонлари жуда кўп. Маълумки, замонавий педагогик технологияларнинг асосий сифат кўрсаткичлари қуйидагиларни ташкил этади:

1. Билим олиш даражасини кафолатлаш.

2. Белгиланган билим олиш натижаларига эришиш самарадорлигини таъминлаш.

3. Таълимнинг дидактик воситаларидан фойдаланишни оптималлаштириш.

Ўйин билан боғлиқ фаолият ўзининг қўйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради. Улардан дарс машғулотларида қуйидаги усулларда фойдаланиш мумкин:

- ақлий ҳужум. Ўқувчиларда ҳозиржавобликни шакллантирувчи усул, унинг психологик моҳияти шундаки, оддий мунозара, баҳслашувлар кўпроқ онгли ва асосий фикрларни баён этишга ҳаракат қиладилар.

- баҳс-мунозара. Алоҳида дарс кўринишида бўлиб, ўтилган мавзуга оид мунозарали, муоммоларни икки гуруҳга бўлиб ҳал этиш усули.

- жуфтликларда ишлаш. Гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг ёнида ёки орқасида ўтирган шериги билан бараварига фикр алмашиб, мулоқот қилиш усули.

- занжир машқи. Ўқувчиларнинг дарсда ўрганилган мавзунини қисмларга бўлиб, навбатма-навбат баён этишларини умумлаштириш усули.

- ижодий иш. Ўқувчиларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган усул.

Таълим-тарбия жараёни бутун машғулот давомида ўқувчи фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда ошириб бориш мақсадини кўзда тутди. Педагогик технологиянинг турлари турли-туман бўлиб улар қўйидагилар ҳисобланади:

- муоммоли ўқитиш;
- муассамлаштирилган таълим;
- ривожлантирувчи таълим;
- мажмуавий таълим;
- ўйин технологиялари.

Замонавий технологиялар қўлланилган дарслар ўқувчилар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқишларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамиятнинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши, тарбияланишига шароит яратади, шу билан бирга бошқарувчилик вазифасини бажаради.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида баён қилинган мақолада замонавий педагогик технологиялар таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди. Айни пайтда, замонавий педагогик технология тизимли ёндашувлар асосида ўқитишнинг шакллари қулайлаштириш, унинг натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун зарур бўлган инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини намоён қилади. Мустақил шахсни шакллантириш, уни давлат ва жамият манфаатлари йўлида ижтимоий фойдали меҳнатга лаёқатли кадр даражасигача тарбиялаш кўп қиррали ва мураккаб жараёндир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Очилов М. "Янги педагогик технологиялар" - Қарши: Насаф, 2000й
2. Толипов Ў, Усмонбоева М. "Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари" - Т. 2005й
3. Саидахмедов Н. "Янги педагогик технологиялар" - Т. Молия. 2003й